

Қуръондаги ҳаракатларнинг ифодаси



13:00 / 26.12.2021 2814

Шайх Фарид Божий Тунисий Дамашқдаги «Ал-Фатхул Исламий» маъҳадида дарс бераётган пайтлари эди. Бир куни тушларида шайхлари Абдулҳодий Харсани кўрдилар ва у кишидан сўрадилар:

«Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ҳузурига етишиш қандай бўлади?»

Шайхлари шундай дедилар:

«Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога етишиш йўли эъроб ҳаракатлари каби бўлади».

Шайх Фарид уйфонгач, устозлари Шайх Абдулҳодийнинг олдиларига бориб, кўрган тушларини айтиб бердилар. Шунда устозлари бундай дедилар:

«Эъроб ҳаракатларининг ичида энг кучлиси касра (ҳарфнинг остига қўйиладиган белги)дир. Яъни, Аллоҳ таолонинг ҳузурида хор, тавозуъ билан туриш.

Ундан сўнг замма (ҳарфнинг устидаги вергулга ўхшаган белги)дир. (Замманинг маъноси қўшиш дегани.) Аллоҳ таолонинг ҳузурида хорлик, тавозуъ ила турсанг, Аллоҳ сени солиҳлар сафига қўшади.

Агар Аллоҳ таоло сени солиҳлар сафига қўшса, У Зотдан сенга фатҳа (ҳарфнинг устига қўйиладиган чизиқчага ўхшаш белги) келади. (Фатҳ, фатҳа дегани очиш дегани. Бу ерда Аллоҳ таоло банданинг қалбини очиши ва У Зот томонидан бандага кўп яхшиликлар ато этилиши назарда тутилмоқда.)

Сўнгра сукун (ҳарфнинг устидаги юмалоқ белги) келади. Бу Аллоҳ таолога тўла таслим бўлишдир. (Чунки, сукуннинг маъноси сукут қилиш, жим туришдир). Аллоҳ таолога тўла таслим бўлган банда Унинг қазои қадари олдида жим туради.

Шундай қилиб, сиз Аллоҳ таолонинг дўстлари, хос бандалари олдида синиқ қалб билан келасиз. Улар сизни ўз сафларига қўшишади. Солиҳлар сафига қўшилганингиздан сўнг Аллоҳ таоло сизга фатҳни ато этади, қалбингизни, басират кўзингизни очади, неъматларини ёғдиради. Охирида қалбингиз сокин қалбга айланади».

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади